

Файзуллаева Т.Р.

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА
БИЗНЕС-РЕЖА ТУЗИШ
ВА ЮРИТИШ БЎЙИЧА РИСОЛА**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

Файзуллаева Т.Р.

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БИЗНЕС-РЕЖА
ТУЗИШ ВА ЮРИТИШ БЎЙИЧА
РИСОЛА**

ТОШКЕНТ – 2017

УДК: 631.15/16

Файзуллаева Т.Р. Фермер хўжалигида бизнес режа тузиш ва юритиш бўйича рисола. – Т.: ТИМИ, 2017. – 55 б.

Рисола фермер хўжаликлари ҳақида иқтисодий ва ҳуқуқий билимларни ошириш мақсадида ишлаб чиқилди; шунингдек, қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлари ҳамда аграр соҳа иқтисодиётини янада эркинлаштириш, модернизациялаш ва бошқариш тизимини демократлаштириш жараёнларининг кейинги босқичлари вазифаларига мос келувчи ва жавоб берувчи муаммоларга бағишланган бўлиб, ундан қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи раҳбарлар, мутахассислар олий ўқув юртларида шу йўналишда тўлим олаётган талабалар кенг фойдаланишлари мумкин.

Такризчилар: и.ф.н. И.Рафиқов, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ИТИ,
лойиҳа раҳбари
и.ф.н., доцент Г.Дўсмуродов, ТИМИ

©-Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1. Бизнес-режанинг моҳияти, мақсади ва вазифалари.....	7
2. Фермер хўжаликларида бизнес-режа тузиш усуллари.....	9
3. Бизнес-режанинг асосий таркибий қисми ва унинг тафсилотлари.....	12
4. Республикамиз Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда фермер хўжаликларига берилган имтиёзлар.....	14
5. Фермер хўжаликлари бизнес-режаси, уни тузиш тартиби ва амалга ошириш йўллари.....	16
ТАКЛИФ.....	17
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	19
ИЛОВАЛАР.....	40

КИРИШ

Бозор шароитида деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодий эркин фаолият юритиб, нафақат ишлаб чиқаришга сарф қилинган харажатларини қоплайдиган, балки хўжаликни ривожлантириш, ходимлар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароити яратишга имкон берувчи миқдорда фойда билан ишлаши лозим. Бунда аввало, маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш миқдори, талаб этиладиган сарф-харажатлар миқдорини режалаштириш керак.

Тўғри режалаштириш биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун сарф қилинган фермернинг маблағи қайтими масаласини ҳисобга олиши лозим. Аммо шу билан бирга бозордаги маҳсулотнинг ёки сотиб олиннадиган минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари, ҳосилни йиғиш ва ташиш билан боғлиқ баҳолар ўзгаришини олдиндан айтиш қийин бўлади. Шунингдек, об-ҳаво ўзгариши, қутилгандан ортиқча ёғингарчиликлар, ўз вақтида сув етказиб бера олмаслик, озиқлантириш борасидаги муаммолар туфайли ҳам фермер кўп миқдорда ҳосилни йўқотиши мумкин.

Бу ҳолатда фермерга ишлаб чиқариш учун сарф қилган маблағининг фойда келтириши ёки умуман қайтиши кафолатини ҳеч ким бера олмайди. Демак, фермер барча хусусий тадбиркорлар сингари таваккал қилади. Аммо шу билан бирга яхши тайёрланган ьизнес-режа таваккалчилик даражасини кескин камайтириб, фермерга даромад олишни кафолатлаши мумкин. Шу боис, бозор шароитида ишлаб чиқаришни бизнес режалаштириш масаласи фермер ёки деҳқон хўжалиги учун янгича маъно касб этиб, муҳим иқтисодий аҳамиятга эга.

Бизнес режанинг пухта тузиб олинishi корхонанинг кучли рақобат шароитида яшовчанлик ва мослашувчанлик хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда барқарор фаолият кўрсатишида муҳим замин бўлади. Мамлакатимиз аграр секторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб борар экан, бозорда ким кўпроқ, арзон ва сифатли товар ишлаб чиқаришга бўлган интилишлари кучайиб боради, бу жараёнда уларнинг молиявий ҳолати, моддий-техника базасининг нечоғлик мустаҳкамлиги каби омиллардан

ташқари, бизнес режа тузиш ва бошқа йўналишларда билимлар ҳам энг юқори даражада бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

“Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислохотларни, иқтисодийтимизда, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур”.

Ер майдонларининг оптималлаштирилиши натижасида 17 минг 500 дан ортиқ янги фермер хўжалиги ва 250 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди. Тошкент, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида энг кўп фермер хўжаликлари фаолияти йўлга қўйилди.

Фермер хўжалигини юритиш учун ер майдонлари ажратиш ва тақсимлашнинг янги механизми жорий этилди. Унга мувофиқ, қарорни туман ҳокими эмас, балки Фермерлар кенгаши ва Ер участкалари тақдим этиш масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси бўйича халқ депутатлари туман кенгашлари қабул қилмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вакили бўлган фермер хўжаликлари зарур ресурслар билан таъминлаш ва уларга турли хизматларни амалга ошириш тизимини ривожлантириш борасида талайгина чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бир қатор қарор ва фармойишлар асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш билан бирга уларга зарур инфратузилма объектлари ташкил этилди. Лекин таҳлилларга кўра, аксария фермер хўжаликлари талаб этилган даражада фаолият юритмаяпти, ушбу тизими самарали фаолият юритишига бир қатор масалалар ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалалардан ташқари уларни бизнес-режа тузиш бўйича кўникмалари етарли эмаслиги асоси тўсиқ бўлмоқда.

“Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016 йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизнинг принципиал муҳим йўналишидир.

Айтиш жоизки, мазкур тармоқда хўжалик юритишнинг фермерлик тизимига ўтилиши муносабати билан фермерлар учун ижара мулки ҳуқуқи асосида ажратиладиган ер майдонларини оптималлаштириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда”¹.

Шу боисдан иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бизнес-режа тузиш бўйича тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларга бу борада махус тренинглار ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

1. Бизнес режанинг моҳияти, мақсади ва вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитида бизнес режа бу:

Бизнес-режа маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва даромадлилигини асословчи асосий ҳужжат ҳисобланиб, одатда бир йиллик лойиҳа сифатида тайёрланади. Режанинг асосий вазифаси фермерга маҳсулот етиштириш учун зарур ўғитлар, ёқилғи, уруғлик, техника ва эҳтиёт қисмлар кабиларни сотиб олишни, молиявий маблағлар жалб қилишни, кредитларга муҳтожликни асослаш билан биргаликда, фойда билан сарф-харажатларни йил давоимда таққослаб бориш учун керак. Бу борада технологик карталардан кенг фойдаланиш тавсия қилинади.

Режада етиштириладиган маҳсулот ҳажми, турлари, уларни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар ва хўжалик олиши кутилаётган даромад миқдорлари ҳисоб-китоб қилинади. Шунингдек, ишлаб чиқаришга жалб қилинган ўз маблағлари ва сармоядорлар маблағлари миқдорининг ўрни, қайтариш муддатлари ҳақидаги маълумотлар режадан ўрин олиши керак.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

- фермер хўжалгининг иқтисодий-молиявий ҳолатини асослаб берувчи асосий ҳужжат;

- бизнес режа- ҳисоб-китобларга асосланган ҳужжат бўлиб, мавжуд бозорлар ҳолатини яхши таҳлил қилиб ўз мақсадини аниқ, равшан кўз олдига келтира биладиган фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан мустақил равишда ёки мутахасис ва маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқилади;

- бизнес режа - бу фермернинг ишлаб чиқариш фаолиятини маълум муддат давомида амалга ошириш бўйича мавжуд имкониятлар, хўжалик мақсади ва бозор талабини мувофиқлаштирувчи, хўжаликнинг юқори фойда олишини таъминлаш борасидаги ёзма дастуридир.

Фермер хўжалигида бизнес-режа тузишдан мақсад:

- сармоядор, ҳомий, ҳиссадор ва банкларнинг маблағларини ишлаб чиқаришга жалб этиш;

- ўз ғояларининг фойда келтиришига ишониб, режали ва самарали бошқаришни ташкил этиш;

- ўз ходимларини мақсад, вазифа ва истиқболга ишонтириш ва қизиқтириш.

Бизнес-режа қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим:

- фермер хўжаликлари ўз ишларини қандай бошлаш лозимлиги аниқлаб олинади;

- қандай қилиб ишлаб чиқаришни самарали юризиш ва товарни бозорга олиб чиқиш масалалари аниқлаб олинади;

- янги ишлаб чиқаришни кимлар билан ташкил этиш ва қачон, қанча миқдорда дастлабки натижаларни олиши чамалаб чиқилади;

- ишлаб чиқариш жараёнидаги таваккалчилик хавф-хатарини қандай камайтириш йўллари тузиб чиқилади;

- хўжаликнинг молиявий ҳолатини яхшилаш ва бозор рақобатида ғолиб чиқиш имкониятлари чамалаб чиқилади ва улардан фойдаланиш йўллари белгиланади.

2. Фермер хўжаликларида бизнес-режа тузиш усуллари

Режада етиштириладиган маҳсулот ҳажми, турлари, уларни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар ва хўжалик олиши кутилаётган даромад миқдорлари ҳисоб-китоб қилинади. Шунингдек, ишлаб чиқаришга жалб қилинган ўз маблағлари ва сармоядорлар маблағлари миқдорининг ўрни, қайтариш муддатлари ҳақидаги маълумотлар режадан ўрин олиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштириш ўз аҳамиятини янада яққолроқ ифода этади. Режалаштириш асосини бизнес-режа ташкил этади. Шунинг учун режалаштириш ва бизнес-режа тузиш фермер хўжаликларида муҳим ўрин тутаяди.

Фермернинг бизнес режаси ишлаб чиқариш фаолиятини маълум бир муддат давомида (қишлоқ хўжалиги фаолиятида бир йил муддатга) амалга ошириш бўйича мавжуд имкониятлар, корхонанинг юқори даражадаги фойда олиши борасидаги ёзма дастуридир.

Бизнес-режа тузиш ва уни амалга оширишнинг муҳимлиги шундан иборатки, у ишлаб чиқарувчининг ўз имкониятларига ҳар томонлама баҳо бериши, қўйилган мақсадга эришишнинг кафолатини аниқ ҳисоб-китоблар асосида кўз олдига келтириши, режанинг муваффақиятли амалга оширилиши орқали корхонанинг ривожланиши ва келгусида инқирозга учрамаслигининг олди олинади.

Фермер хўжаликларида бизнес-режа тузиш қуйидаги тартибда амалга тоширилади:

1. Фермер хўжаликларининг манзили алоқа учун бошқа реквизитлари кўрсатилиши лозим.

Мисол тариқасида Кашқадарё вилояти Ғузор тумани фермер хўжалигининг маълумотларини келтирамиз (1-жадвал):

2. Ишлаб чиқариш фаолиятининг мақсади ва вазифалари аниқ ва равшан, ўқилганда ҳамма тушунадиган, содда тилда ёритилиши талаб этилади.

Шунингдек, бизнес-режада ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми, турлари, уни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар, олиниши кутилаётган

фойда микори кўрсатиб ўтилади. Ишлаб чиқаришга жалб қилинган ўз маблағлари ва сармоядорлар маблағлари микдори, уларни қайтариш муддатлари ҳақидаги умумий ахборот ҳам келтирилади.

1-жадвал

Фермер хўжалигининг манзили, реквизитлари ва бошқа маълумотлари

Фермер хўжалиги тўғрисида дастлабки маълумотлар:
1. Фермер хўжалиги номи: (“Абдусалом Боймурод”)
2. Ихтисослашув йўналиши: (пахтачилик- галлачилик)
3. Фермер хўжалиги раҳбарининг исми-шарифи: (А.Боймуродов)
4. Фермер хўжалиги раҳбарининг маълумоти ва мутахассислиги: (Олий маълумоти олим агроном).
5. Фермер хўжалиги манзили: (Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани А.Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини)
6. Телефон рақами: (+99875-500-00-09)
7. Фермер хўжалиги ташкил этилган санаси: (2010 йил 24 январ)
8. Банк реквизитлари:
9. ИНН.

Бизнес-режа тузишга киришдан олдин бизга бирламчи маълумотлар зарур бўлади, жумладан булар қуйидагилардан иборат:

- фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалигига яроқли ерлари, экин майдони;
- режа бўйича етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уларнинг ҳосилдорлиги;
- фермер хўжалигининг мавжуд қишлоқ хўжалиги техникалари ва автотранспорт воситалари;
- чорва моллари бош сонлари ва бошқалар;
- деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва таннархи;
- чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва таннархи.

Бизнес-режа тайёрлаш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун бир гектар ерга кетадиган меҳнат ва асосий моддий ресурслар сарфи ўртача меъёрлари керак бўлади (2-жадвал).

2-жадвал

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун бир гектар ерга кетадиган меҳнат ва асосий моддий ресурслар сарфи ўртача меъёрлари

Экин турлари	Ҳосилдор-лик, ц/га	Меҳнат сарфи, киши/соат	Уруғ-лик, кг	ЁММ, кг	Ўғит жами (физик), кг	Шу жумладан		
						Азот, кг	Фосфор, кг	Калий, кг
Дон жами	42	144	250	157	785	450	215	120
Ш.ж.: кузги дон	42	144	250	157	785	450	215	120
Шундан: буғдой	42	144	250	157	785	450	215	120
Макка дони	40	267	25	304	1080	600	280	200
Картошка	200	1050	3500	319	810	445	220	145
Сабзавот-жами	260	1852	х	201	873	500	220	153
Ш.ж.: помидор	300	1917	40000	210	940	600	220	120
Пиёз	300	1787	20	192	840	450	220	170
Бошқалар	180	1787	20	192	840	450	220	170
Полиз	280	850	5	270	480	150	220	110
Мева –жами	80	1392	х	274	695	350	185	160
Ш.ж: данакли мева	90	1392	х	274	695	350	185	160
Уруғли мева	70	1392	х	274	695	350	185	160
Узум-жами	85	2323		347	780	410	200	170
Ш.ж: винобоп узум	85	2323		347	780	410	200	170
Хўраки узум	85	2323		347	780	410	200	170

Манба: “Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун зарур меҳнат ва моддий ресурслар меъёрлари” ЎзБИИТИ, 1997 йил 36-бет.

3. Бизнес-режанинг асосий таркибий қисми ва унинг тафсилотлари

Бизнес-режада маҳсулотларни сотиш ва ресурслар сотиб олишдаги мавжуд бозорлар узоқ-яқинлиги, маҳсулот сотиш ҳажми, қандай маҳсулотлар

қайси пайтда ва нима мақсадда сотиб олинишини аниқлаш лозим. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, имкон қадар хўжаликда бозорнинг узоқ-яқинлиги, маҳсулот ташишга қулайлигини ҳисобга олган ҳолда маҳсулотлар етиштириш тури ва миқдорини белгиланса, кўпроқ фойда олиш мумкин. Бозордан узоқ ва транспорт муаммоси мавжуд бўлган ҳолатларда тез бузилмайдиган, ташишга чидамли маҳсулотлар турларини етиштириш ёки экин турларини экишни кўзда тутиш зарур.

Бизнес-режани мантиқий кетма-кетликда бажариш учун унинг аввало таркибий қисмларини аниқлаб олиш керак. Жумладан бунда:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг истеъмолчилари кимлар;
- хўжаликнинг аввалги йиллардаги молиявий ҳолати қандай бўлган;
- қайси турдаги маҳсулотларни етиштиради ва қайси турдаги хизматларни кўрсатади;

- сув билан қандай таъминланган, агар лалми ерларда деҳқончилик қилинса, ишлаб чиқариш натижаларининг табиий омилларга боғлиқлиги каби масалалар ёритилиши лозим.

Агар фермер хўжалиги янги тузилган бўлса, нима учун бошланган иш даромад келтирилиши асослаб берилиши керак.

Маҳсулот(товар) ишлаб чиқариш. Бугунги кунда фермер хўжаликлари томонидан жуда кўп турдаги маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бунда асосий эътиборни фермер бозорга чиқадиган, яъни сотиладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратиши мақсадга мувофиқдир. Харидор нима учун айнан сизнинг маҳсулотингизни сотиб олиши керак, чунки бошқа фермер худди шундай маҳсулот ишлаб чиқаради. Уларнинг маҳсулотидан сизнинг маҳсулотингиз нимаси билан фарқ қилади ёки ажралиб туради. Бизнес-режа тузишда худди шу жиҳатларга эътибор бериш лозим.

Бозорни ўрганиш. Бизнес-режа тузишда маҳсулот тишлаб чиқаришни режалаштириш жараёнида бозордаги вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш талаб этилади. Чунки фермер хўжалиги фаолияти натижалари фақатгина бозордаги маълум турдаги товарга талаб ва таклиф нисбатини ҳал қилади.

Фермер хўжалигидаги энг катта муаммо бозор ўрганиб, унинг ҳолатига тавсиф бериш, бозордаги ўз имкониятларини баҳолай билиш масаласидир. Фермер хўжалигида режалаштирилаётган экинлар таркиби хўжалик имкониятларига мос келадими ёки йўқми, агар мос келмаса қандай қилиб мувофиқлаштириш мумкин. Рақобатбардош корхоналарни бозорда эгаллаган мавқени, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатини ўрганиш, ушбу бозорда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сотилишини кафолатловчи чораларни қўллаш каби масалалар бизнес-режада акс этиши керак

Фермер хўжалигининг жойлашган ўрни ва рақобатчилар. Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари ва транспорт тармоқларига яқин жойлашганликлари уларга табиий равишда катта устунлик ва қулайлик яратади. Шунини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжаликлари бизнес-режа тузишда маҳсулот етиштириш ва сотиш режалаштирилади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирда бозордаги рақобат нарх омили асосида амалга оширилмоқда. Бу ерда энг қулай йўл бу маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш имконини берувчи тадбирларни режалаштириш мақсадга мувофиқ.

Бошқариш ва кадрлар масаласи. Тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятсизликка учрашининг асосий омилларидан бири бошқариш ва кадрлар билан таъминлаш масаласи яхши эмаслигидандир. Фермер хўжалиги бизнес-режасида бу борада куйидаги саволларга жавоб берилиши лозим:

- фермерга қанча ишчи керак?
- мавсумий ишчиларга қанча ишчи кучи талаб этилади?
- ишчиларни қаердан жалб этиш мумкин?
- ишчиларга қанча миқдорда иш ҳақи тўланади?
- уларни малакасини ошириш учун қанча маблағ керак?

Кредитдан фойдаланиш ва ундан қутилувчи самара. Бизнес-режанинг муҳимлиги шу билан белгиланадики, ишлаб чиқаришни фермер ўз маблағи ҳисобига ёки қарз олинган маблағ эвазига ташкил қилишига қарамай, улардан самара олишининг биринчи навбатдаги натижа бўлиши керак. Айнан ушбу

бўлимда фермер хўжалигининг пул маблағлари оқими ва ҳаракати қоғозга туширилади, жумладан:

- ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушадиган маблағлар;
- жалб қилинган маблағлар ва уларнинг қайтарилиш муддатлари;
- барча қилинадиган харажатлар баланси тузилади;
- олинадиган фойда ва соф фойда миқдори ҳисобланади.

Умуман, бизнес-режанинг таркибий қисмлари қуйидагиларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ(3-жадвал).

3-жадвал

Фермер хўжаликларида бизнес-режа тузишнинг намунавий таркибий тузилиши

БИЗНЕС-РЕЖА
<p>Мундарижа.</p> <p>Кириш ёки режани амалга оширишнинг қисқача баёни (2 ёки 3 бет);</p> <p>I. Бизнес концепцияси.</p> <ul style="list-style-type: none">а) маҳсулот ва хизматлар, харидор, харажатлар ва даромад;б) бизнеснинг мақсадлари;в) ўзига хос хусусиятлар;г) дастлабки харидорлар;д) атроф-муҳитга таъсир. <p>II. Бошқариш командаси.</p> <p>III. Бозорни ўрганиш.</p> <ul style="list-style-type: none">а) сотиш режалаштирилаётган бозор;б) рақобатбардошлик;в) нарх белгилаш. <p>IV. Маҳсулот ва хизматлар таҳлили.</p> <ul style="list-style-type: none">а) маҳсулот ва хизматларнинг техник жиҳатлари;б) ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятлари;в) харидорларга етказиш йўллари ва режаси.

V. Ташкил қилиш режаси.

- а) ҳуқуқий тузилиши;
- б) ташкил қилиш жадвали.

VI. Маркетинг режалари.

- а) маркетингнинг мақсади;
- б) маркетингни амалга ошириш дастурлари;
- в) ўрта муддатли режалар;
- г) маркетингни амалга ошириш бюджети.

VII. Молиявий режалар.

- а) талаб этиладиган маблағ;
- б) эҳтиёжни баҳолаш;
- в) молиявий натижалар жадвали;
- г) капитал сарф-харажатлар.

VIII. Ривожлантириш режаси.

- а) ривожлантириш стратегияси;
- б) ресурслар;
- в) инфатузилманинг ўзгариши.

4. Республикамиз Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда фермер хўжаликларига берилган имтиёзлар

Республика Президентининг 2003 йил 30 августидаги “1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1989-сонли фармонига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги ПФ-3305-сонли фармонига мувофиқ:

- Агарда фермер хўжаликларининг ўртача йиллик ишчилар сони 50 кишидан кўп бўлмаса ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланаётган бўлишса хўжаликлар кичик корхона

мақомига эга бўлади ва кичик корхоналар учун белгиланган митиёзлардан фойдаланишади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 282-моддасига биноан:

- янги ташкил этилган фермер хўжаликлари – давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан эътиборан икки йил муддатга (модданинг 3-банди);

- фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил муддатга (модданинг 23-банди);

- фермер хўжаликларининг мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерлар, ишлар бошлангандан эътиборан беш йил муддатга (модданинг 24-банд);

- фермер хўжаликларида янги яратилган боғ, токзор ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланишидан қатъий назар, уч йилга (модданинг 25-банд) ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ:

Ягона ер солиғи ставкаси:

- ҳар йили қабул қилинадиган макроиктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида қабул қилинадиган Республика Президентининг қарорида белгилаб қўйилади;

- фермер хўжаликлари иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2011- 2014-йилларда ягона ер солиғининг ставкаси миқдори ернинг норматив қийматга нисбатан **6 фоиз** миқдорида ўзгармасдан турибди.

Ягона ер солиғини тўлаш тартиби.

Ягона ер солиғини тўлаш муддатлари фермер хўжаликлари учун қулай муддатларда белгиланган бўлиб, Солиқ кодексининг **369-моддасига** биноан:

- ҳисобот йилининг **1 июлигача** – йиллик солиқ суммасининг **20 фоизи миқдорида**;

- ҳисобот йилининг *1 сентябригача* – йиллик солиқ суммасининг **30 фоизи миқдорида**;

- ҳисобот йилининг *1 декабригача* – солиқнинг *қолган суммаси тўланади*.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалардан микрокредит бериш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ:

- янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларида бошланғич капитални шакллантириш учун тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилади.

- фермер хўжаликлари ўз фаолиятини маблағ билан таъминлаш ва бошланғич капитални шакллантириш мақсадида хизмат кўрсатувчи тижорат банкларидан кредит олишлари мумкин.

(Адлия вазирлигида 2006 йил 21 февралда 1548-сон билан рўйхатга олинган).

Республика Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг қарорига (Адлия вазирлигида 2007 йил 14 апрелда 1675 - сонли рақам билан рўйхатга олинган) мувофиқ:

- фермер хўжаликлари давлат эҳтиёжи учун пахта ва ғалла етиштиришда Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма томонидан **йиллик 3** фоизли имтиёзли кредитлар билан таъминланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарорига мувофиқ:

- ***тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига кредитлар шартнома асосида 3 йилгача муддатгача*** - миждознинг талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақами бўлган жойда берилади;

- тижорат банклари томонидан **имтиёзли кредит бериш Жамғармаси** ҳисобидан фермер хўжаликларига, шунингдек юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига кредитлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва айланма маблағларни тўлдириш мақсадида камида 2 йил муддатга берилади;

- фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва нефт маҳсулотлари билан таъминлаш шахобчалари мол-мулк ва ер солиғи тўлашдан 2 йил муддатга озод қилинган;

- сув истеъмолчилар уюшмаларининг хизматлари қўшилган қиймат солиғи, фойда ва мол-мулк солиғидан 2 йил муддатга озод қилинган;

- тугатилган ширкат хўжаликлари техникалари негизида ташкил этилган Муқобил машина-трактор парклари солиқ солиш шартлари ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилаётган техник хизматлар учун ҳисоб-китоблар бўйича “Ўзагромашсервис” уюшмаси вилоят бирлашмаларининг машина-трактор паркларига тенглаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарорига мувофиқ:

- инвестиция лойиҳалар учун кредитлар фермер хўжаликларига, шунингдек юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликларига ***тўлов муддатини кечиктириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга берилади;***

- айланма маблағларни тўлдириш учун фермер хўжаликларига берилган кредитларни қайтариш муддати **12 ойдан ошиши мумкин эмас**, форс-мажор ҳолатлари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сонли қарорига мувофиқ:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш мақсадида айланма маблағлар учун ***деҳқон ва фермер хўжаликларига берилган кредитларни қайтаришининг энг узоқ муддати 30 ойдан ошиши мумкин эмас;***

- фермер ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган айланма маблағлар учун берилган бошқа кредитлардан фойдаланиш муддати, қайтариш муддатини узайтиришни ҳисобга олган ҳолда 12 ой этиб белгиланган.

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби:

Фермер хўжаликлари ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда:

- бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига зарур бўлган айланма маблағларни тўлдириш учун 2 йилдан кам бўлмаган муддатга;

- инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун 5 йилгача бўлган муддатга;

- қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш фаолиятида айланма маблағларни кредит олишлари учун 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга кредит олишлари ҳақли.

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига уларнинг бўлғуси ҳосилини гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби:

- кредит фақат давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликларига 18 ойгача бўлган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз, қишлоқ хўжалиги техникаси, эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар, ЁММ, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (МТП, муқобил МТП, СФУ ва бошқалар) хизматлари учун тўловларни амалга ошириш, пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган мақсадли харажатлар учун берилади.

Бўлғуси ҳосилни гаровга қўйиб кредит олишдаги ҳужжатлар:

Фермер бунинг учун молиявий муассасаларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- кредит олиш учун ариза;
- тузилган контракция шартномаларининг нусхалари;
- бизнес режа;
- туман давлат солиқ хизмати томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл);
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома (2-а шакл);

- муддати 90 кундан ўтиб кетган қарздорликларнинг солиштирма далолатномалари;

- молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл);
- кредитни қайтариш таъминоти (гаров).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 декабрдаги 254-сонли қарорига мувофиқ:

- 2008 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг фермер хўжаликларига **техника воситаларини лизингга бериш муддати 7 йилдан 10 йилгача узайтирилди**. Бунинг учун техника бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини **10 йил муддат ичида** тўлаши мумкин;

- бунда фермер техниканинг 85 фоиз қийматига “Ўзагросуғурта” компанияси билан суғурта шартномасини тузади. **Суғурта мукофотларини ҳисоблаш учун суғурта тариф (ставка) миқдори техниканинг 85 фоиз қийматидан йилига 0,5 фоизни** ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 августдаги ПҚ-449-сонли қарорига мувофиқ:

- фермер хўжаликлари томонидан “Ўзэкспомарказ”да бўладиган **минитехнологиялар кўргазма-савдолари орқали хорижий техника ва технологияларни харид қилинганда**, бу товарлар учун белгиланган қўшилган қиймат солиғи ва божхона бож тўловлари (божхонада расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар бундан мустасно) **тўланмайди**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308-сонли қарорига мувофиқ:

- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар, ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қандай фойдаланишларидан қатъий назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилади ва “**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**”ги

Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли қарорига мувофиқ:

- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида қорамол ўстириш билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга пенсиялар тайинлашда меҳнат стажи улар томонидан бюджетдан ташқари ***Пенсия жамғармасига сузурта бадаллари бир йилда энг кам ойлик иш ҳақининг камида тўрт ярим баравари миқдорид***да ҳисоблаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-842-сонли қарорига мувофиқ:

- ***“Агробанк” АТБ ва бошқа тижорат банклари***га имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредит бериш йўли билан зооветеринария хизмати кўрсатиш ҳамда молларни сунъий қочириш корхоналарига зарур зоотехник ва лаборатория жиҳозлари ҳамда транспорт воситаларини сотиб олишда устувор тартибда кўмаклашиш тавсия этилган;

- ***“Ўзқишлоқхўжаликмашилизинг” компаниясига*** зооветери-нария хизмати кўрсатиш корхоналари учун ***зоотехник ва лаборатория жиҳозларини лизинг асосида етказиб бериш*** вазифалари топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-842-сонли қарорига мувофиқ:

Қуйидагилар ***2014 йилнинг 1 январигача бўлган даврда, истисно тариқасида:***

▪ Наслчилик корхоналари ва Республика “Ўзнаслчилик” корхонаси *асосий фаолият тури бўйича барча солиқлар ва давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;*

▪ наслчилик чорвачилик хўжаликлари, наслчилик иши корхоналари, паррандачилик корхоналари ва омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек, “Ўззоветтаъминотхизмат” бирлашмаси *олиб келинадиган наслчилик материали, зооветеринария хизмати кўрсатишни ривожлантириш учун технология ёрдамчи ускуналар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича омихта ем ишлаб чиқариш компонентлари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирувчи йиғмалардан ташиқари);*

▪ зооветеринария пунктлари -- *корхонани рўйхатга олишда ва ветеринария фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия беришда давлат божини тўлашдан;*

▪ фермер хўжаликлари ва чорвачилик фермалари – *чорвачилик маҳсулотларини, жумладан, унинг қайта ишланган маҳсулотини сотиш тушумидан давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда Мактаб таълими жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги “Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-725-сонли қарорига мувофиқ:

• 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжалиklarини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратиш кўзда тутилган.

Гўшт-сут маҳсулотларини саноат асосида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш:

- 2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб гўшт-сут маҳсулотларини саноат асосида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш фақатгина юридик шахс шаклида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилиши;

- бу корхоналарга ўз маҳсулотларини автофургонларда аҳолига нақд пулга сотиш ҳуқуқи берилиб, нақд пул маблағлари конун ҳужжатларда белгиланган тартибда ҳар куни инкассация қилиниши;

- микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўловини 50 фоизга камайтириш, бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек хом-ашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтириш;

- гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари тўлашдан озод қилиш каби имтиёзлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони (2011 йил 24 август, ПФ-4354-сон) мувофиқ:

- давлат ва назорат идораларининг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича чоралар қабул қилинди. Янги ташкил қилинган ***кичик корхоналар ва микрофирмаларни режалли солиқ текширувларидан озод***

этиш муддати икки йилдан уч йилга узайтирилди. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган **кичик тадбиркорлик субъектларида уч йил давомида солиқ текширувларини ўтказиш тақиқланди;**

- тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, солиқ ва назорат тузилмалари билан ўзаро муносабатларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика идораларига ҳисоботларни топшириш механизмини уларни электрон тизим бўйича тақдим этишга босқичма-босқич ўтиш орқали тубдан соддалаштириш;

- тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилинади, яъни унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилади;

- 2012 йилнинг 1 январидан саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилди;

- 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ: солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, амалдаги миқдорига нисбатан учдан бир қисмга камайтирилади;

- юридик шахслар текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқига эга;

- 2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундиришни бекор қилиш;

- тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг келишилган ҳажмда кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддатини уч банк кунидан ошмайдиган муддат билан чеклаш;

- хўжалик субъектлари томонидан савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар учун корпоратив пластик карталаридан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга оширишда тўлов терминаллари чекларини бирламчи бухгалтерлик ҳужжатларига тенглаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк муассасаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини мустақил топшириш ҳуқуқини бериш;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилди;

- хўжалик субъектлари ўрнатилган технологик ускуналарга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича республика ҳудудига олиб келинадиган эҳтиёт ва бутловчи қисмлар учун 2016 йилнинг 1 январигача божхона тўловларини (божхона расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод этилди;

- юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган санкциялар бекор қилинди, айти пайтда такрорий қонунбузарликка йўл қўйган хўжалик субъектларининг мансабдор шахсларининг маъмурий жавобгарлиги икки баробарга оширилди;

- божхона назорати муддатини уч йил билан чеклаш, шунингдек, товарлар божхона назоратидан ўтказилгандан бир йил кейин, божхона тўловларини қўшимча ҳисоблаш таъқиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, ПҚ-1604 сонли “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори (25 август 2011 й.)га мувофиқ:

- Ҳукумат қарорлари билан белгиланган тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат беришга доир 1-иловага мувофиқ ҳужжатларнинг амал қилиши 2011 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бекор қилиди:

- *ташиқ иқтисодий фаолият соҳасида импорт ва экспорт контрактини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги гувоҳномалар* (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори);

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги
ГТК-1604-сонли қарорига 2-илова**

Товарлар ва хизматларни экспорт қилишда божхона расмийлаштируви учун тўланадиган йиғимлар ставкалари:

Божхона йиғими тури	Йиғимлар ставкалари
Божхона расмийлаштируви учун:	
– "экспорт" божхона режимидаги товарлар ва транспорт воситалари	Божхона қийматидан 0,1 фоиз, бироқ энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда
– "божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимидаги товарлар	Товарларни қайта ишлаш хизматлари қийматидан 0,1 фоиз, бироқ энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда
“Экспорт” божхона режимида жойлаштирилаётган товарнинг божхона расмийлаштирувини ходим томонидан буни расмийлаштириш жойидан бошқа жойда амалга ошириш (бир ходимнинг бир соат ишлаши учун)	– Энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли қарори ва “Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 79-сонли қарорларига мувофиқ,

- тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан оладиган даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан юридик шахслардан олинадиган ***фойда солигидан 2016 йилнинг 1 январигача озод қилинди;***

- устувор равишда ***олис ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туман ва шаҳарларда*** жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларига ажратилади;

- тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда ***кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш*** ҳуқуқи берилди;

- жамғарма ҳисобидан кредитлар ***энг кам ойлик иш ҳақининг икки минг бараваридан ортиқ бўлмаган суммада*** ажратилиши белгиланди;

- Жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар маҳсулот етиштириш (тамакичилик ва алкогольли маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари), ишларни бажариш, хизматлар (савдо соҳаси ва умумий овқатланишдан ташқари) кўрсатиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларга ажратилади;

- имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ҳисобидан кредитлар, кредитлар бўйича фоиз ставкаси Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ:

- тадбиркорлик фаолияти субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилиниши, яъни банклар ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларда вужудга келиши мумкин бўлган ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши юзасидан банкнинг меъёрий ҳужжатларига қатор ўзгартиришлар киритилган;

- кичик бизнес субъектлари мурожаатларини уч иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқиш жорий этилган;

- тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинган;

- банк муассасаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумининг мустақил топширишига рухсат берилган;

- савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар ва хизматлар учун корпоратив пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, тўловларни амалга оширишда тўлов терминаллари чекларининг бухгалтерлик бирламчи ҳужжатларига тенглаштирилган.

2012 йилнинг 16 июль куни бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тубдан такомиллаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4453-сонли фармони қабул қилинди.

Фармонга асосан:

- жорий йилнинг 3-чорагидан бошлаб, йирик корхоналар учун Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (3-сон шакл) ҳамда барча корхоналар

учун Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома (2а-сон шакл);

- 2013 йил 1 январдан бошлаб, 65 турдаги статистик ҳисоботлар бекор қилинишини белгилаб қўйилди;

- бундан ташқари, 2013 йил 1 январдан бошлаб, давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладаган 11 турдаги солиқ ҳисоботлари ва бошқа маълумотларни бирлаштириб, 5 тага тушурилиши белгилаб қўйилди;

- жумладан, бюджетдан ташқари *Пенсия, Йўл ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш* муассаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисобот шакллари ҳамда ягона ижтимоий тўлов билан фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамармасига суғурта бадали бўйича ҳисобот шакллари бирлаштирилди.

Яна бир масала, 2013 йил 1 январдан бошлаб:

- 2013 йилдан эътиборан, 12 турдаги солиқ ҳисоботлари, 23 турдаги статистик ва 20 турдаги бошқа ҳисоботларни тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди;

- қўшимча фойда солиғидан ташқари, барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини тақдим этиш бекор қилинади;

- микрофирмалар йиллик статистик ҳисобот тақдим этадилар, бунда статистика органлари ҳар чоракда тегишли фаолият йўналишлари ва соҳалари бўйича танланма ўрганишлар ўтказади.

- бу ўзгаришлар билан солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимидан фойдаланувчилар учун ҳисобот шакллари 1,7 бараварга, ва умумбелгиланган тартибда солиқ тўлаш тизимидаги корхоналар учун 2,4 бараварга қисқартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 октябрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи

бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 281-сонли қарорига асосан:

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тасдиқланди ва имтиёзлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, мазкур фармон билан тасдиқланган дастурга асосан:

- фермер хўжаликларининг реал шароитидан келиб чиқиб, уларни солиққа тортишни такомиллаштириш мақсадида қишлоқ хўжалиги майдонларини мавжуд баҳосини дифференцияланган усулда аниқлашни назарда тутувчи қишлоқ хўжалиги ер майдонлари норматив баҳосини аниқлашнинг янги тартибдаги Низомини ишлаб чиқиш;

- фермер хўжаликларини статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш жараёнларини амалга ошириш, кредит олиш, ишлаб чиқариш объектларини қуриш учун ер участкаларини ажратиш, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳалари, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда босқичма-босқич электрон тизимга ўтказиш, шунингдек агротехник тадбирларни ўтказишни мувофиқлаштириш учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш;

- моддий-техник ресурсларни, биринчи навбатда минерал ўғитлар ва ёқилғи мойлаш маҳсулотларини етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилишда ҳисоб-китоб қилиш тизимини соддалаштириш учун фермер хўжаликларининг замонавий электрон тўлов тизимидан фойдаланишини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тадбирлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4478-сонли фармонига асосан:

- Фермерлар кенгашларига фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб даъво аризаларини **судга давлат божи** тўламасдан шикоят қилиш;
- пахта терими ишларга жалб қилинган ишчиларни жисмоний шахслардан олинадиган **даромад солиғи** тўлашдан озод қилиш;
- томчилатиб суғориш тизимини жорий қилган юридик шахсларнинг томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган ер участкаларига ягона ер солиғи тўлашдан **беш йил** муддатга озод қилиниши белгиланди.

“Фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган фермерликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар” дастурига асосан:

- фермер хўжаликларига ер бериш туман комиссияси таркибига туман фермерлар кенгаши раиси киритилиши белгилаб қўйилди;
- фермерлар кенгашларига фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даволар юзасидан, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлари юзасидан давлат божи тўлашдан озод этилди;
- “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш, шу асосда фермерлик фаолиятининг молиявий барқарорлигини ва самарадорлигини оширишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди;
- “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунга фермер хўжалиги раҳбари томонидан ер участкаларини танлаш бўйича танловда кўрсатиб ўтилган мол-

мулк, техника ва пул воситаларини фермер хўжаликлари ўзларини устав фондини шакллантиришда устав фондига киритиш тартиби берилди;

- Мамлакатимизда маҳаллий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида чет эллардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилишда божхона тўловлари жорий этилган бўлиб, жумладан, гўшт, сут маҳсулотлари учун 50-70 фоизгача, олма, нок, беҳи ва бошқа қишлоқ хўжалиги хўл меваларига 100 фоиз акциз солиқлари жорий этилиб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватланмоқда;

- фермер хўжаликлари фаолияти юзасидан асоссиз равишда текширишлар ўтказиш қонун ҳужжатлари билан таъқиқлаб қўйилган.

“Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сон қонуни асосан:

- ягона ер солиғи тўловчи субъектлар бошқа мажбурий (ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар, Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар, давлат божи, божхона тўловлари) тўловларни тўлашдан озод этилди.

5. Фермер хўжаликлари бизнес-режаси, уни тузиш тартиби ва амалга ошириш йўллари

Бозор муносабатлари шаклланиши шароитида фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш ўз аҳамиятини йўқотмайди, балки янгича моҳият ва аҳамият касб этиб боради. Режалаштириш асосини фермер хўжалигининг бизнес-режаси ташкил этади. Шунинг учун режалаштириш ва бизнес-режа фермер хўжалигини юритишда муҳим аҳамиятга эга.

Фермернинг бизнес-режаси—корхона ишлаб чиқариши фаолиятини маълум бир муддат давомида амалга ошириш бўйича мавжуд имкониятлар, унинг мақсади ва бозор талабини мувофиқлаштирувчи, корхонанинг фойдалилик даражасини максимал даражада таъмин этиши борасида ишлаб чиқилган ёзма дастуридир.

Бизнес-режа тузиш ва уни амалга оширишнинг муҳимлиги шундаки, у олдиндан тузилгани боис ишлаб чиқарувчининг ўз имкониятларига ҳар томонлама баҳо бериш, қўйилган мақсадга эришиш кафолатини аниқ ҳисоб-китоблар асосида кўз олдига келтиришини таъминлайди, бу режа мувофақиятли амалга оширилиши эса, корхонанинг ривожланиши ёки инкирозга юз тутишини белгилаб беради.

Фермернинг бизнес- режаси:

-ўз олдига қўйган мақсадлари ва бажараётган ишларини ҳар томонлама, иқир-чиқирларигача таҳлил қилишга ундайди, мавжуд имкониятларга баҳо бериш ва келажакка назар ташлашга мажбур этади;

-фермер учун келгуси фаолияти давомида қўлланма сифатида хизмат қилади. Ундан тўғри ва малакали фойдаланиши корхонани самарали бошқариш ва кўзланган мақсадга эришишига реал имкониятлар тугдиради;

-яхши тузилган бизнес-режа биринчи навбатда хўжалик ходимлари учун, сўнгра корхона фаолияти билан қизиқувчи миждозлар ва жамоатчилик учун, корхонага молиявий маблағлар сарфлаб фойда қилишни кўзлаётган молиявий идоралар ва банклар учун режалаштирилган ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва даромадлигини илмий асословчи асосий ҳужжат ҳисобланади;

- фермер учун режавий вазифаларнинг амалга оширилиши кутилаётган фаолият унга муваффақиятлар келтириши ёки хўжалик инкирозига сабаб бўлишини иқтисодий, ҳисоб-китоблар асосида кўрсатиб беради ва келажаги ноаниқ бўлган фаолиятдан воз кечиши лозимлигини кўрсатади.

Таъкидаш жоизки, бизнес-режа ишлаб чиқиш бўйича республикамиз фермер хўжаликлари учун бугунги кунда аниқ тартибга туширилган тизим мавжуд эмас. Амалиётда бизнес-режа фермер хўжаликлари томонидан асосан банк муассасаларидан кредит олиш ва турли тендерларда иштирок этиш мақсадида тузилмоқда, афсуски маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқиладигани йўқ. Шу сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш учун бизнес-режалар

тузиш борасида фермер хўжаликлари малакасини ошириш ўта долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари бугунги кунда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида тўлиқ юридик шахс мақомидаги, тенг ҳуқуқли хўжалик юритиш субъекти сифатида фаолият юритмоқда. Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қисман, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун бизнес-режани республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан маъқулланган “ ... қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бизнес-режаси шакллари тўлдириш ва бизнес-режа тузиш бўйича услубий қўлланма” асосида тузади.

Бизнес-режа қатъий ҳисоб-китобларга асосланган ҳужжат. У мавжуд бозорлар ҳолатини яхши таҳлил қилиб ва ўз мақсадларини аниқ-равшан кўз олдига келтира оладиган фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан мустақил равишда ёки мутахассис ва маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқилади.

Фермер хўжалиги бизнес-режасида:

- хўжалик манзили, номи, раҳбарнинг исми-шарифи, ҳамда алоқа учун бошқа реквизитлари кўрсатилади;

- ишлаб чиқариши фаолиятининг мақсади ва вазифалари аниқ ва равшан, тушунарли тарзда ёритилади;

- хўжаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми, турлари, уларни ишлаб чиқаришига кетадиган харажатлар, шунингдек, кутилаётган даромадлар миқдори кўрсатилади;

- унинг ишлаб чиқаришига жалб қилинган ўз ва сармоядорлар маблағлари миқдори, уларни қайтариши муддатлари ҳақида умумий ахборот берилади;

- фермер хўжалиги таркиби, шунингдек, аъзолари малакаси, маълумоти, иш кучи билан таъминланганлик даражаси ҳам ёритилади.

Таклиф

Бозор шароитида деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодий эркин фаолият юритиб, нафақат ишлаб чиқаришга сарф қилинган харажатларини қоплайдиган, балки хўжаликни ривожлантириш, ходимлар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароити яратишга имкон берадиган миқдорда фойда билан ишлаши лозим.

Бунда, аввало, маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш миқдори, талаб этиладиган сарф-харажатлар миқдорини режалаштириш керак. Тўғри режалаштириш биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун сарф қилинган фермернинг маблағи қайтими масаласини ҳисобга олиши лозим. Аммо, шу билан бирга бозордаги маҳсулотнинг ёки сотиб олинадиган минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари, ҳосилни йиғиш ва ташиш билан боғлиқ баҳолар ўзгаришини олдиндан айтиш қийин бўлади. Шунингдек, об-ҳаво ўзгариши, кутилгандан ортиқча ёғингарчиликлар, ўз вақтида сув етказиб бера олмаслик, озиқлантириш борасидаги муаммолар туфайли ҳам фермер кўп миқдорда ҳосилни йўқотиши мумкин.

Бу ҳолатда фермерга ишлаб чиқариш учун сарф қилган маблағининг фойда келтириши ёки умуман қайтиши кафолатини ҳеч ким бера олмайди. Демак, фермер барча хусусий тадбиркорлар сингари таваккал қилади. Аммо, шу билан бирга яхши тайёрланган бизнес-режа таваккалчилик даражасини кескин камайтириб, фермерга даромад олишни кафолатлаши мумкин. Шу боис, бозор шароитида ишлаб чиқаришни бизнес режалаштириш масаласи фермер ёки деҳқон хўжалиги учун янгича маъно касб этиб, муҳим иқтисодий аҳамиятга эга.

Кўп ҳолларда ишлаб чиқаришни режалаштириш масаласи режали-маъмурий иқтисодиётга хос деган нотўғри хулосага борилади. Шу боис ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналарида бизнес-режаларни ишлаб чиқишга юзаки ёндашувлар мавжуд. Аксарият ҳолларда эса фермер хўжаликлари бизнес-режа ишлаб чиқишга эътиборсизлик қилишса ёки фақатгина имтиёзли кредитлардан фойдаланиш учунгина тузишса, бизнес-режалаштириш масаласи деҳқон хўжаликларида умуман йўлга қўйилмаган.

Натижада эса умумий ҳолда ички бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори ҳар йили турлича миқдорда бўлиб, нарх-навонинг кескин ортиши ёки тушиб кетиши каби салбий ҳолатлар кузатилмоқда.

Умуман, бозор шароитида қишлоқ хўжалиги корхонаси фаолиятини режалаштиришни хўжаликнинг фаолияти мақсади, маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари (ер-сув, меҳнат ресурслари, техникаси ва бошқа шу кабиларга эга бўлиши даражаси), бозорда фаолият юритиш кўникмалари ўртасидаги ўзаро мутаносибликни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш деб изоҳлаш мумкин.

Бизнес-режалаштириш жараёнида, хўжалик раҳбари ўзидаги мавжуд имкониятларга баҳо бериш ва келажак ишларини чамалашга мажбур бўлади. Агар бизнес-режа реал вазиятларни тўлиқроқ ҳисобга олган бўлса, хўжалик раҳбари ундан йил давомида фойдаланиб, сарф-харажатлар миқдорини кузатиб бориши ва ортиқча сарфларни тежаши мумкин.

Бизнес-режа маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва даромадлилигини асословчи асосий ҳужжат ҳисобланиб, одатда бир йиллик лойиҳа сифатида тайёрланади. Режанинг асосий вазифаси фермерга маҳсулот етиштириш учун зарур ўғитлар, ёқилғи, уруғлик, техника ва эҳтиёт қисмлар кабиларни сотиб олиш, молиявий маблағлар жалб қилиш, кредитларга муҳтожликни асослаш билан бирга фойда билан сарф-харажатларни йил давомида таққослаб бориш учун керак. Бу борада технологик карталардан кенг фойдаланиш тавсия қилинади.

Режада етиштириладиган маҳсулот ҳажми, турлари, уларни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар ва хўжалик олиши кутилаётган даромад миқдорлари ҳисоб-китоб қилинади. Шунингдек, ишлаб чиқаришга жалб қилинган ўз маблағлари ва сармоядорлар маблағлари миқдорининг ўрни, қайтариш муддатлари ҳақидаги маълумотлар режадан ўрин олиши керак.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг асосий фаолият тури тафсилотини баён этишда қишлоқ хўжалиги корхонасининг фаолияти билан қизиқувчилар қандай маҳсулот ишлаб чиқариш орқали даромад олмоқчи эканлиги, маҳсулот ва

хизмат турлари ёки ишлаб чиқариш кўзда тутиладиган маҳсулот тўғрисида батафсил ахборот берилади.

Хўжалик ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг истеъмолчилари кимлар, хўжаликнинг аввалги йиллардаги молиявий аҳволи қандай ҳолатда бўлган, чорва маҳсулотлари ёки деҳқончилик маҳсулотлари етиштириши, сув таъминоти каби масалалар албатта ҳисоб-китоб қилиниши зарур.

Маҳсулот етиштиришни режалаштиришда асосий эътиборни энг яқин бозорларда (транспорт муаммоси бўлмаса ҳудудий бозорларда) сотиш мумкин бўлган маҳсулотга қаратиш лозим. Маҳсулот харидорнинг талабига жавоб беришига ишонч ҳосил қилинган, бозорга чиқариш керак.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштиришда бозордаги вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилишни талаб этади. Хўжаликда етиштириш кўзда тутилган маҳсулот агротехникаси хўжалик имкониятига мос келадими, агар мос келмаса, қандай қилиб мувофиқлаштириш мумкинлиги тўғрисида ҳам бош қотириш керак.

Бизнес-режада маҳсулотларни сотиш ва ресурслар сотиб олишдаги мавжуд бозорлар узоқ-яқинлиги, маҳсулот сотиш ҳажми, қандай маҳсулотлар қайси пайтда ва нима мақсадда сотиб олинишини аниқлаш лозим. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, имкон қадар хўжаликда бозорнинг узоқ-яқинлиги, маҳсулот ташишга қулайлигини ҳисобга олган ҳолда маҳсулотлар етиштириш тури ва миқдори белгиланса, кўпроқ фойда олиш мумкин. Бозордан узоқ ва транспорт муаммоси мавжуд бўлган ҳолатларда тез бузилмайдиган, ташишга чидамли маҳсулотлар турларини етиштириш ёки экин турларини экишни кўзда тутиш зарур.

Бизнес-режа фермерга тадбиркор сифатида энг кам харажат ҳисобига харидорбоп, сифатли маҳсулот етиштириб, нисбатан кўпроқ фойда олиш вазифасини ҳал этиши лозим. Сарф-харажатларни камайтиришда етиштирилаётган маҳсулот бирлиги, экин майдони ёки чорва моллари бош сони ҳисобига меҳнат ва моддий-техник ресурслар сарфини меъёрлар асосида

назорат қилиш ёки қимматроқ ресурсларни нисбатан арзон ресурслар билан алмаштириш йўли билан ҳам ҳал этиш мумкин.

Чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми ва мева-сабзавот маҳсулотларининг салмоқли қисмини етиштирувчи деҳқон хўжаликларида бугунги кунда маҳсулот етиштиришни режалаштириш умуман йўлга қўйилмаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бунда деҳқон хўжалигида етиштириладиган маҳсулотлар ҳажмлари жуда камлиги, етиштириладиган маҳсулотлар товарлилик даражаси пастлиги салбий таъсир этаётганлигини кўрсатади. Шунингдек, деҳқон хўжалиги раҳбарининг ишлаб чиқаришни режалаштиришга жиддий қарамай, вақт ажратмаслиги ёки режалаштириш тажрибаси етишмаслиги ҳам ўринли масала.

Кўпинча деҳқонлар билан суҳбатлашсангиз ва томорқа еридан қанча ҳосил олганлиги ва қанча харажат қилинганлигини сўраб қолсангиз, буни аниқ билмаслигини айтишади. Агар кўп ҳолларда биргалашиб хом чўт қилиб, бир килограмм маҳсулотни етиштиришга сарфлаган маблағи қанча бўлганлигини айтсангиз, ўйлаб қолиб, «э, бозордан сотиб олганимда арзонроқ тушар экан» деб қўйилади. Аммо деҳқон хўжалигида маҳсулот етиштириш доимо бошқа хўжалик юритиш шаклларига нисбатан анча арзонга тушиши керак. Чунки ушбу хўжалик юритиш шаклида меҳнат ресурслари сарфи асосан ҳисобга олинмайди. Чунки иш кучи “деҳқончилик”, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш деҳқоннинг оиласи аъзолари меҳнатига асосланган. Оиладаги меҳнатни оила аъзоларининг (фарзандларнинг) меҳнат тарбиясига ҳам йўйиш мумкин.

Лекин бозор шароитида шу билан бирга ишлаб чиқаришни энг содда бўлса-да, режалаштириш, сарф-харжатларни ҳисоблаб бориш фойдадан холи бўлмайди. Чунки деҳқон хўжалигида етиштирилган маҳсулотни сотишда, маҳсулотнинг “бир килоси қанчага тушганлиги”ни билиш, бозорда маҳсулот сотиш пайтида дастлабки баҳони қўйишда асос ҳисобланади. Қолганини эса бозор баҳоси белгилайди. Ишлаб чиқарувчига “маҳсулотни ҳозир сотиш керакми ёки кейинроқ” деган масалани ҳал этиш лозим. Чунки сақлаш имкони

бўлса, кейинроқ қимматроқ сотиш мумкин. Буни деҳқон хўжалигида соддагина “чўнтак дафтари” орқали ҳам ҳисоблаб бориш мумкин.

Шунинг учун катта маблағ талаб қилмайдиган анъанавий сақлаш иншоотларини қуришга катта эътибор қаратиш керак. Бу борадаги ҳудудий анъаналарни оммалаштириш лозим. Масалан, Бухоро вилоятининг Жондор тумани қишлоқларида аҳоли ҳовлиларида мўъжаз ҳовузларда балиқ боқади, бу битта-иккита оилани тўлиқ таъминлайди. Ортиқчасини сотиб фойда олиш ҳам мумкин. Ёки Фарғона водийси вилоятларида узумни оилалар шароитида қишда сақлаш борасида катта тажрибалар мавжуд. Буни бошқа жойларда ҳам қилиш мумкин.

Умуман, мураккаб бизнес-режаларни ҳар бир фермер айниқса деҳқон хўжалигида тузиш қийин бўлиши мумкин, лекин сарф-харажатларни, оладиган фойдаси миқдорини ҳисоб-китоб қилиш масаласини содда кўринишда бўлса ҳам олиб бориш зарур. Бу биринчи навбатда харажатларни тежаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. «Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

2. Хушматов Н.С. Фермер хўжаликларида режалаштириш. Фермер хўжалигида бизнес-режа тузиш. Рисола. ТАСИС лойиҳаси томонидан Брюсселда чоп этилган, 2000, май. -18 б.

3. Турсунов У. Фермер хўжаликларида харажат ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш. // Агро илм-Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. № 4(8). 2008, - 73-74 б.

5. Фарманов Т.Ҳ., Мухтаров А.Х. ва бошқалар Фермер хўжаликларида кредитлаш ва молиявий муносабатлар. – Т.: Фан, 2007.- 24 б.

6. Фарманов Т.Ҳ. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. - 144 б.

7. Абдусаломов М. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш муносабатларини мустақамлашда ташқи ва ички шартномалар аҳамияти: муаммолар ва уларнинг ечими (саволлар ва жавоблар) – Тошкент, 2002 – 55 б.

8. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. – Тошкент: Университет, 2005. - 212 б.

9. Акциядорлик тижорат “Агробанк”да хизмат кўрсатилаётган давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари раҳбарларига услубий қўлланма. – Тошкент, 2005. - 40 б.

10. Ушбу рисолада Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ахборот-таҳлил-Матбуот хизмати, шунингдек, интернет материаллари (<http://agro.uz/uz/farmers/>, <http://21asr.uz>, www.lex.uz)дан фойдаланилди.

11. The Prentice Hall Encyclopedia of Model Business Plans by Wilbur Cross and Alice M. Richey. (Prentice Hall, 1998).

12. Anatomy of a Business Plan by Linda Pinson and Jerry Jinnett. (Dearborn Publishing, 1999). Covers the

ИЛОВАЛАР

1-илова

**Республикада турли махсулдорлик даражасида бўлган чорвачилик
махсулотлари етиштиришда талаб этиладиган ўртача меҳнат сарфи
меъёрлари**

№	Номлари	Махсул- дорлиги , кг	1 нафар кишига меъёр, бош	1 бош чорва хайвони учун талаб килинадиган одам сони, нафар	Меҳнат сарфи, киши соат	
					1 бош хайвонга	1 ц. махсулот бирлигиг а
1.	Бир бош сигир ва бир центнер сутга	1800	22	0,0455	116,2	6,4
		2000	21	0,05	121,6	6,1
		2500	20	0,05	127,7	5,1
		3000	18	0,0555	141,8	4,7
2.	Бир бош қорамол ва бир центнер қўшилган вазнга	200	71	0,0141	26	18
		300	67	0,0149	38	12,7
		400	65	0,0153	39,1	9,8
3.	Бир бош от ва бир центнер сутга	500	17	0,0588	150,2	30
		750	15	0,0667	170,4	28,7
		900	13	0,0769	196,5	26,2
4.	Бир бош туя ва бир центнер сутга	500	15	0,0667	170,4	34
		750	14	0,0714	182,4	26
		900	13	0,0769	196,5	21,8
5.	Бир бош қўй ва бир центнер қўшилган вазнга	220	10	0,0045	11,5	115
		200	15	0,005	12,8	85,3
		180	20	0,0055	14,1	70,5
6.	Бир центнер қўй жунига	74	4	0,0135	2,8	70
		64	5	0,0156	3,3	66
		62	6	0,0161	3,4	56,6
7.	Бир бош жўжага ва бир центнер қўшилган вазнга	2500	1	0,0004	1	100
		2800	1,3	0,0003	0,8	61,5
		3000	1,6	0,0003	0,8	50
8.	Бир бош товуқ ва 1000 дона тухумга	1600	180	0,0006	1,5	0,83
		2500	200	0,0004	1	0,5
		2800	220	0,0003	0,8	0,36
9.	Бир центнер пиллага	52	52 кг	0,0192	5,3	10,2
		62	62 кг	0,0161	4,5	7,1

		75	75 кг	0,0133	3,7	4,9
10.	Бир центнер асалга	15	90 оила	0,0111		189,3
		20	91 оила	0,0111		142
		27	92 оила	0,0111		105
11.	Бир центнер баликқа	10	4,5 гектар	0,0222		31,1
		13	4,5 гектар	0,0222		23,9
		15	4,5 гектар	0,0222		20,7

2-илова

Қишлоқ хўжалиги экинларига минерал ўғитлар сарфининг азотга нисбати

т/р	Экин тури	Азотнинг сарф бўлиши, кг/т	Тупроқнинг хусусиятига қараб азотнинг сарфланиши, кг/т	Фосфор ва калийнинг азотга нисбати	
				фосфор	калий
1.	Вўза (ўрта толали):	6	81,68	0,7	0,5
	60см да	6	81,68	0,7	0,5
	60смда қўш қатор	6	81,68	0,7	0,5
	90смда	6	81,68	0,7	0,5
	90смда қўш қатор	6	81,68	0,7	0,5
	плёнка остида	6	81,68	0,7	0,5
2.	Вўза (ингичка толали):	6,9	93,93	0,7	0,5
	60смда	6,9	93,93	0,7	0,5
	60см да қўш қатор	6,9	93,93	0,7	0,5
	90смда	6,9	93,93	0,7	0,5
	90смда қўш қатор	6,9	93,93	0,7	0,5
3.	Суғориладиган ерлардаги бошокли дон экинлари	37	51,32	0,7	0,3
4.	Дуккакли экинлар	30,1	40,0	1,5	1
5.	Дон учун экилган маккажўхори	41,4	56,36	0,7	0,5
6.	Оқ жўхори	35	47,65	0,7	0,5
7.	Шоли	45,1	61,40	0,7	0,5
8.	Каноп	10,3	14,02	0,8	0,5
9.	Тамаки	36,6	49,83	0,8	0,5
10.	Мойли ўсимликлар	54,7	74,47	0,7	0,3

т/р	Экин тури	Азотнинг сарф бўлиши, кг/т	Тупроқнинг хусусиятига қараб азотнинг сарфланиши, кг/т	Фосфор ва калийнинг азотга нисбати	
				фосфор	калий
11.	Картошка	6,8	9,26	0,7	0,5
12.	Сабзавот	4,7	6,4	0,7	0,4
13.	Полиз	5	6,81	1,0	0,4
14.	Картошка уруғлик учун	6,4	8,71	0,7	0,6
15.	Сабзавот уруғлик учун	4,4	5,99	0,7	0,5
16.	Полиз уруғлик учун	5	6,81	1,0	0,5
17.	Силосбоп экинлар маккажўхоридан ташқари	4	5,44	0,7	0,5
18.	Бир йиллик ўтлар:				
	пичан учун	20,2	27,5	0,5	0,5
	кўк озуқа учун	4,00	5,44	0,5	0,5
19.	Озуқабоп илдиз мевали ўсимликлар уруғлик учун	39,1	44,10	0,7	0,4
20.	Бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар уруғлик учун	39,1	44,10	3,0	2,0
21.	Беда:				
	пичан учун	4,5	6,12	3,0	2,0
	кўк озуқа учун	1,5	2,04	3,0	2,0
22.	Бедазорлар ва ўтлоқлар қуруқ масса учун	15,5	21,1	0,5	0,5
23.	Мевали боғлар	16	21,78	0,7	0,5
24.	Токзорлар	12	16,34	0,7	0,5
25.	Тут плантациялари	18	24,50	0,7	0,5

3-илова

Ғўзанинг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш меъёрлари

Худудлар номи	Тупроқнинг хусусиятига кўра азот	Тупроқнинг P ₂ O ₅ билан таъминлан-	Тупроқнинг K ₂ O таъмин-	1 тонна пахта хомашёси учун сарфланадиган
---------------	----------------------------------	---	-------------------------------------	---

	коэффици- циенти	ганлигига кўра фосфор коэффициенти	ланганлигига кўра калий коэффициенти	минерал ўғит миқдори, кг/соф ҳолда		
				N	P	K
Қорақалпоғистон Р.	1,4097	0,8716	0,7525	84,58	51,61	31,82
Андижон	1,2502	0,8486	0,8575	75,01	44,56	32,16
Бухоро	1,4092	0,9336	0,8925	84,55	55,26	37,73
Жиззах	1,4426	0,9616	0,4900	86,56	58,26	21,21
Қашқадарё	1,381	1,0366	0,6325	82,86	60,12	26,20
Навоий	1,4144	0,9784	0,8850	84,86	58,12	37,55
Наманган	1,3664	1,0716	0,9900	81,98	61,50	40,58
Самарқанд	1,2267	0,9636	0,7300	73,60	49,65	26,86
Сурхондарё	1,3209	1,0190	0,6575	79,25	56,53	26,05
Сирдарё	1,3768	1,0184	0,8300	82,61	58,89	34,28
Тошкент	1,2466	0,8750	0,8150	74,80	45,81	30,48
Фарғона	1,385	1,0784	0,7275	83,10	62,73	30,23
Хоразм	1,5145	0,8583	0,7450	90,87	54,60	33,85
Ҳудудлар бўйича ўртача	1,3614	0,9230	0,7200	81,68	52,78	29,41

4-илова

1 гектар бошоқли дон майдонига сарфланадиган минерал ўғитларни табақалаштирилган меъёрлари, кг/га

Минерал ўғитлар	Ҳосилдорлик				1 тонна ҳосилга сарфланадиган ўғит миқдори, кг
	30	35	40	50	
Азот	113,1	132,0	150,8	188,5	37,7
Фосфор	79,2	92,4	105,6	132,0	26,4
Калий	33,9	39,6	45,2	56,6	11,3

Изоҳ: Тупроқ унумдорлигига қараб ўғитларни солиш меъёри ўзгаради:

- юқори унумдор тупроқлар учун минерал ўғитлар солиш меъёри 15-20 %га камайтиради;
- паст унумдор тупроқлар учун минерал ўғитлар солиш меъёри 15-20 %га оширилади.

Сабзавот ва полиз экинларини етиштиришда қўлланиладиган минерал ўғитларни озиклантириш меъёри, соф ҳолда

Ҳосилдорлик, т/га	Гўнг, т/га	Минерал ўғитлар, кг/га, соф ҳолда		
		N	P	K
Помидор етиштиришда минерал ўғитларни озиклантириш меъёри, соф ҳолда				
30 т/га	15	150	100	75
35 т/га	17,5	175	118	87,5
40 т/га	20	200	135	100
45 т/га	22,5	225	150	112,5
50 т/га	25	250	175	125
55 т/га	27,5	275	200	137,5
60 т/га	30	300	225	150
Оқбош карам етиштиришда минерал ўғитларни озиклантириш меъёри, соф ҳолда				
30 т/га	25	120	100	60
35 т/га	28,5	140	120	70
40 т/га	32	160	140	80
45 т/га	36	180	160	90
50 т/га	40	200	180	100
Бодринг етиштиришда минерал ўғитларни озиклантириш меъёри, соф ҳолда				
20 т/га	10	150	100	60
25 т/га	13	190	125	75
30 т/га	15	225	150	90
35 т/га	18	260	175	105
Сабзи етиштиришда минерал ўғитларни озиклантириш меъёри, соф ҳолда				
10 т/га	-	60	40	20
15 т/га	-	90	60	30
20 т/га	-	120	80	40
25 т/га	-	150	100	50
30 т/га	-	180	120	60
35 т/га	-	210	140	70
40 т/га	-	240	160	80
Пиёз етиштиришда минерал ўғитларни озиклантириш меъёри, соф ҳолда				

Ҳосилдорлик, т/га	Гўнг, т/га	Минерал ўғитлар, кг/га, соф ҳолда		
		N	P	K
20 т/га	-	170	170	60
25 т/га	-	215	251	72
30 т/га	-	260	260	86
35 т/га	-	300	300	100
40 т/га	-	340	340	120
45 т/га	-	382	382	135
50 т/га	-	430	430	156
55 т/га	-	468	468	165
60 т/га	-	520	520	180
Полиз экинлари етиштиришда минерал ўғитларни озиқлантириш меъёри, соф ҳолда				
25 т/га	20	75	75	60
30 т/га	25	90	90	72
35 т/га	30	105	105	85
40 т/га	35	135	135	96
45 т/га	32	150	150	108
50 т/га	40	160	160	120
Картошка етиштиришда минерал ўғитларни озиқлантириш меъёри, соф ҳолда				
20 т/га	16	216	170	115
25 т/га	20	270	215	144
30 т/га	24	320	255	172,5
35 т/га	28	380	300	201,5
40 т/га	32	435	340	230

6-илова

Сабзавот, полиз экинлари ва картошка етиштиришда минерал ўғитларни озиқлантириш меъёри, физик ҳолда

т/р	Экин тури	Ўғит	Ўғит қўллаш муддати кг/100 м ²			Ўғит қўллаш муддати кг/га		
			Экиш-дан олдин	1-озиклантириш	2-озиклантириш	Экиш-дан олдин	1-озиклантириш	2-озиклантириш

т/р	Экин тури	Ўғит	Ўғит қўллаш муддати кг/100 м ²			Ўғит қўллаш муддати кг/га		
			Экиш -дан олдин	1- озиқ- лан- тири ш	2- озиқ- лан- тири ш	Эки ш- дан олди н	1- озиқ- лан- тири ш	2-озиқ- лан- тириш
1.	Бодринг N ₁₅₀ P ₁₀₀ K ₇₅	Гўнг	150	х	х	1500 0	х	х
		Аммафос	1,54	0,66	х	154	66	х
		Суперфосфа т	5	2,2	х	500	220	х
		Калий	1	0,5	х	100	50	х
		С.Аммоний	х	3,6	3,6	х	360	360
		Карбамид	х	1,65	1,65	х	165	165
2.	Оқ бош карам N ₂₀₀ P ₁₈₀ K ₁₀₀	Гўнг	250	х	х	2500 0	х	х
		Аммафос	2,8	1,2	х	280	120	х
		Суперфосфа т	9	3,9	х	900	390	х
		Калий	1,4	0,6	х	140	60	х
		С.Аммоний	х	4,8	4,8	х	480	480
		Карбамид	х	2,2	2,2	х	220	220
3.	Ширин қалампир N ₁₅₀ P ₁₀₀ K ₇₅	Гўнг	150	х	х	1500 0	х	х
		Аммафос	1,54	0,66	х	154	66	х
		Суперфосфа т	5	2,2	х	500	220	х
		Калий	1	0,5	х	100	50	х
		С.Аммоний	х	3,6	3,6	х	360	360
		Карбамид	х	1,65	1,65	х	165	165
		Гўнг	150	х	х	1500	х	х
4.	Бақлажон N ₁₅₀ P ₁₀₀ K ₅₀	Аммафос	1,54	0,66	х	154	66	х
		Суперфосфа т	5	2,2	х	500	220	х
		Калий	0,7	0,3	х	70	30	х
		С.Аммоний	х	3,6	3,6	х	360	360
		Карбамид	х	1,65	1,65	х	165	165
5.	Пиёз N ₂₀₀ P ₂₀₀ K ₇₅	Гўнг	250	х	х	2500 0	х	х
		Аммафос	3,1	1,3	х	310	130	х
		Суперфосфа т	10	4,3	х	1000	430	х

т/р	Экин тури	Ўғит	Ўғит қўллаш муддати кг/100 м ²			Ўғит қўллаш муддати кг/га		
			Экиш -дан олдин	1- озиқ- лан- тири ш	2- озиқ- лан- тири ш	Эки ш- дан олди н	1- озиқ- лан- тири ш	2-озиқ- лан- тириш
		Калий	1	0,5	х	100	50	х
		С.Аммоний	х	4,8	4,8	х	480	480
		Карбамид	х	2,2	2,2	х	220	220
6.	Шолғом, турп N ₅₀ P ₇₅ K ₅₀	Гўнг	100		х	1000 0	х	х
		Аммофос	1,15	0,5	х	115	50	х
		Суперфосфа т	3,8	1,6	х	380	160	х
		Калий	0,7	0,3	х	70	30	х
		С.Аммоний	х	1,2	1,2	х	120	120
		Карбамид	х	0,55	0,55	х	55	55
7.	Ош лавлаги N ₁₅₀ P ₁₅₀ K ₇₅	Гўнг	150	х	х	1500 0	х	х
		Аммофос	2,3	1	х	230	100	х
		Суперфосфа т	7,5	3,2	х	750	320	х
		Калий	1	0,5	х	100	50	х
		С.Аммоний	х	3,6	3,6	х	360	360
		Карбамид	х	1,65	1,65	х	165	165
8.	Сабзи N ₂₀₀ P ₁₅₀ K ₇₀	Гўнг	200	х	х	2000 0	х	х
		Аммофос	2,3	1	х	230	100	х
		Суперфосфа т	7,5	3,2	х	750	320	х
		Калий	10	0,4	х	100	40	х
		С.Аммоний	х	4,8	4,8	х	480	480
		Карбамид		2,2	2,2		220	220
9.	Помидор N ₁₅₀ P ₁₀₀ K ₇₅	Гўнг	200	х	х	2000 0	х	х
		Аммофос	2,3	1	х	230	100	х
		Суперфосфа т	7,5	3,2	х	750	320	х
		Калий	1,5	0,5	х	150	50	х
		С.Аммоний	х	4,8	4,8	х	480	480
		Карбамид	х	2,2	2,2	х	220	220

т/р	Экин тури	Ўғит	Ўғит қўллаш муддати кг/100 м ²			Ўғит қўллаш муддати кг/га		
			Экиш-дан олдин	1-озиклантириш	2-озиклантириш	Экиш-дан олдин	1-озиклантириш	2-озиклантириш
10.	Редиска N ₇₅ P ₇₅ K ₃₀	Гўнг	100	х	х	10000	х	х
		Аммофос	1,15	0,5	х	115	50	х
		Суперфосфат	3,8	1,4	х	380	160	х
		Калий	0,45	0,15	х	45	15	х
		С.Аммоний	х	1,8	1,8	х	180	180
		Карбамид	х	0,85	0,85	х	85	85
11.	Чеснок N ₅₀ P ₁₅₀ K ₅₀	Гўнг	х	х	х	х	х	х
		Аммофос	2,3	1	х	230	100	х
		Суперфосфат	7,5	3,2	х	750	320	х
		Калий	0,7	0,3	х	70	30	х
		С.Аммоний	х	1,2	1,2	х	120	120
		Карбамид	х	0,55	0,55	х	55	55
12.	Картошка N ₂₀₀ P ₁₅₀ K ₁₀₀	Гўнг	200	х	х	20000	х	х
		Аммофос	2,3	1	х	230	100	х
		Суперфосфат	7,5	3,2	х	750	320	х
		Калий	1,5	0,5	х	150	50	х
		С.Аммоний	х	4,8	4,8	х	480	480
		Карбамид	х	2,2	2,2	х	220	220
13.	Қовун, тарвуз, қовоқ N ₁₅₀ P ₁₅₀ K ₁₀₀	Гўнг	250	х	х	25000	х	х
		Аммофос	2,3	1	х	230	100	х
		Суперфосфат	7,5	3,2	х	750	320	х
		Калий	1,5	0,5	х	150	50	х
		С.Аммоний	х	3,6	3,6	х	360	360
		Карбамид	х	1,65	1,65	х	165	165

7-илова

Маҳаллий ўғитлардаги азот, фосфор ва калий миқдори

т/р	Маҳаллий ўғитлар	1 тонна маҳаллий ўғитда, кг		
		N	P	K

1.	Қўй гўнги:			
	қуруқ	16	5	14
	нам	8	2,5	7
2.	От гўнги	6	3	5
3.	Қорамол	4	2,5	5
4.	Чўчка	4	2	6
5.	Аралаш	3,5	2	5
6.	Фекал:			
	ўрада	4,5	1,5	1,5
	компос қилинганида	6	2	2
7.	Ипак қурти экскрементида:			
8.	қуруқ	50	10	
	нам	25	5	
9.	Парранда гўнги (қуруқ ҳолда)	34	16	8

8-илова

Минерал ўғит микдорини физик ҳолатга айлантириш жадвали

Минерал ўғит солиш меъёрлари, кг/га (таъсир этиш ҳисобида)	Суперфосфат		Аммиакли селитра 34%оли	Сульфат аммоний 20,5%оли	Аммиак суви 20,5%оли	Ўувсиз аммиак 82%оли	Калий тузи 40%оли	Хлорли калий 56%оли	Карбомид (мочевина) 46%оли	Аммофос 46%оли
	14%оли	19%оли								
1	7,14	5,26	2,94	4,88	4,88	1,22	2,5	1,66	2,17	2,17

2	14,2 8	10,5 2	5,88	9,76	9,76	2,44	5	3,32	4,34	4,34
3	21,4 2	15,7 8	8,82	14,64	14,64	3,66	7,5	4,98	6,51	6,51
4	28,5 6	21,0 4	11,76	19,52	19,52	4,88	10	6,64	8,68	8,68
5	35,7	26,3 8	14,7	24,4	24,4	6,1	12,5	8,3	10,85	10,85
10	71,4	52,6	29,4	48,8	48,8	12,2	25	16,6	21,7	21,7
15	107, 1	78,9	44,1	73,2	73,2	18,3	37,5	24,9	32,55	32,55
20	142, 8	105, 2	58,8	97,6	97,6	24,4	50	33,2	43,4	43,4
30	214, 2	157, 8	88,2	146,4	146,4	36,6	75	49,8	65,1	65,1
40	285, 6	210, 4	117,6	195,2	195,2	48,8	100	66,4	86,8	86,8
50	357	263, 8	147	244	244	61	125	83	108,5	108,5
100	714	526	294	488	488	122	250	166	217	217
150	1071	789	441	732	732	183	375	249	325,5	325,5
200	1428	1052	588	976	976	244	500	332	434	434

9-илова

Пахтачиликда минерал ўғит солишнинг йиллик меъёрлари

Тупроқ пояслари ва турлари	Ҳосилдорлик, ц/га	Меъёр, кг/га (соф ҳолда)		
		Азот	Фосфор	Калий
1. Тоғ олди кулранг (типик бўз) тупроқ зонаси				
Кулранг, кулранг- ўтзор	20 гача	100	70	35
	20-25	100-125	70-85	50-60
	25-30	125-150	85-100	65-70
	30-35	150-175	100-115	70-80
	35-40	175-200	115-130	80-90
	40-45	200-225	130-145	90-100
Оч ранг ўтзор	20 гача	90	65	45

Тупрок пояслари ва турлари	Ҳосилдорлик, ц/га	Меъёр, кг/га (соф ҳолда)		
		Азот	Фосфор	Калий
	20-25	90-110	65-70	45
	25-30	110-120	65-75	45-55
	30-35	120-150	70-78	55-65
	35-40	150-170	75-80	65-75
	40-45	170-190	80-95	75-85
	20 гача	80	55	40
Тўқ ранг ўтзор	20-25	80-100	55-70	40-50
	25-30	100-120	70-85	50-60
	30-35	120-140	85-100	60-70
	35-40	140-160	100-115	70-80
	40-45	160-180	115-130	80-90
	20 гача	150	105	75
Кам куч, қаттиқ, қуритилган ва ювилган	20-25	150-170	105-115	75-85
	25-30	170-190	115-125	85-95
	30-35	190-210	125-135	95-105
	35-40	210-230	135-145	105-115
	40-45	230-250	145-155	115-125
	20 гача	110	75	55
2. Тоғ олди оқ (оч тусли бўз) кулранг зона				
Кулранг, кулранг- ўтзор	20-25	110-130	75-85	55-65
	25-30	130-150	85-95	65-75
	30-35	150-170	95-105	75-85
	35-40	170-190	105-115	85-95
	40-45	190-210	115-125	95-105
	20 гача	105	70	50
Оч ранг ўтлоқ	20-25	105-125	70-90	50-65

Тупрок пояслари ва турлари	Ҳосилдорлик, ц/га	Меъёр, кг/га (соф ҳолда)		
		Азот	Фосфор	Калий
	25-30	125-145	90-110	65-70
	30-35	145-165	110-130	70-85
	35-40	165-185	130-150	85-95
	40-45	185-205	150-170	95-105
	20 гача	90	65	45
Тўқ ранг ўтлоқ ва ўтлоқ ботқоқ	20-25	90-110	65-75	45-55
	25-30	110-130	75-85	55-65
	30-35	130-150	85-95	65-75
	35-40	150-170	95-105	75-85
	40-45	170-190	105-115	85-95
Кам куч, қаттиқ, қуритилган ва ювилган	20 гача	160	115	80
	20-25	160-180	115-125	80-90
	25-30	180-200	125-135	90-100
	30-35	200-220	135-145	100-110
	35-40	220-240	145-155	110-120
40-45	240-260	155-165	120-130	
3. Шимолий дашт зона				
Тақир ва тақир ўтлоқ	20 гача	110	75	55
	20-25	110-130	75-95	55-65
	25-30	130-150	95-115	65-75
	30-35	150-170	115-135	75-85
	35-40	170-190	135-155	85-95
40-45	190-210	155-175	95-105	
Дашт-ўтлоқ ва ўтлоқ оч ранг	20 гача	100	70	50
	20-25	100-120	70-90	50-60

Тупрок пояслари ва турлари	Ҳосилдорлик, ц/га	Меъёр, кг/га (соф ҳолда)		
		Азот	Фосфор	Калий
	25-30	120-140	90-110	60-70
	30-35	140-160	110-130	70-80
	35-40	160-180	130-150	80-90
	40-45	180-200	150-170	90-100
	20 гача	100	70	50
Ўтлоқ ва ўтлоқ ботқоқ-тўқ ранг	20-25	100-125	70-105	50-60
	25-30	125-145	105-115	60-70
	30-35	145-165	115-125	70-80
	35-40	165-185	125-135	80-90
	40-45	185-205	135-155	90-100
Кам куч, қаттиқ, қуритилган ва ювилган	20-25	150-175	105-125	75-95
	25-30	175-200	125-145	95-105
	30-35	200-225	145-165	105-115
	35-40	225-250	165-185	115-125
	40-45	250-270	185-205	125-135
4. Марказий ва жанубий дашт зона				
Тақир ва тақир ўтзор	20 гача	100	70	50
	20-25	120-140	70-90	60-70
	25-30	140-160	90-110	70-80
	30-35	160-180	110-130	80-90
	35-40	180-200	130-150	90-100
Дашт-ўтзор ва оч ранг ўтзор	40-45	200-220	150-170	100-110
	20 гача	115	70-	55
	20-25	115-135	70-80	55-65

Тупроқ пояслари ва турлари	Ҳосилдорлик, ц/га	Меъёр, кг/га (соф ҳолда)		
		Азот	Фосфор	Калий
	25-30	135-155	80-90	65-75
	30-35	155-175	95-115	75-85
	35-40	175-195	115-125	85-95
	40-45	195-215	125-135	95-105
	20 гача	110	70	65
Ўтзор-ботқоқ ва тўқ ранг ўтзор	20-25	110-130	70-80	55-65
	25-30	130-150	80-90	65-75
	30-35	150-170	90-100	75-85
	35-40	170-190	100-110	85-95
	40-45	190-210	110-120	95-105
Кам куч, қаттиқ, қуритилган ва ювилган	20 гача	150	105	75
	20-25	150-170	105-115	75-85
	25-30	170-190	115-125	85-95
	30-35	190-210	125-135	95-105
	35-40	210-230	135-145	105-115
	40-45	230-250	145-155	115-125

10-илова

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ер фонди структураси,

мингга

Тупроқ турлари	ҚҚР	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навой	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм
Бўз тупроқлар минтақаси													
Типик бўз тупроқлар		27,4		25,4	78,4	5,6	50,5	176, 3	65,0		154, 3	18,4	

Тупроқ турлари	ҚҚР	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навой	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм
Бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз тупроқлар		20,5		7,4	41,0	6,0	5,3	70,8	17,3		56,9	2,5	
Ўтлоқи аллювиал тупроқлар				1,6		5,6		2,9	9,3		86,8		
Ўтлоқи саз тупроқлар		20,9			18,0			26,4			3,1		
Ботқоқ- ўтлоқи тупроқлар		1,9									4,5		
Оч тусли бўз тупроқлар минтақаси													
Оч тусли бўз тупроқлар		22,3		10,4	60,5	0,4	89,5	19,0	66,4	2,8		26,8	
Бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз тупроқлар		8,1		220, 7	115, 9	9,7	17,9	9,8	19,0	228, 6	12,8	6,2	
Ўтлоқи аллювиал тупроқлар		82,6		11,0	32,2	10,3	32,8	3,1	16,2	35,2	17,8		
Сахро минтақаси													
Сур тусли кўнғир тупроқлар			10,3		2,6	6,4	4,0		4,1			24,2	3,6
Сахро қумли тупроқлар			18,5			3,1			2,4			0,7	
Тақирли тупроқлар			7,0						9,4				
Ўтлоқи- тақир тупроқлар	29,8		15,7		19,6	5,8			29,7			5,6	
Ўтлоқи тупроқлар	445, 3	50,0	172, 8		90,2	54,2	33,3		28,0			211, 0	210, 9

Тупрок турлари	ҚҚР	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навой	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм
Ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар	1,4		2,3				1,7		4,0			1,8	6,6
Жами	476,5	233,6	226,6	276,5	458,4	107,0	234,9	308,3	270,8	266,6	336,1	297,2	221,1
Ўзлаштирилиш даври													
янгидан ўзлаштирилган	32,5	37,0	25,8	15,5	67,5	8,0	14,7	25,4	19,8	12,0	15,6	7,0	5,2
Янгидан суғориладиган	250,3	64,7	61,0	155,0	270,9	56,9	100,0	120,0	79,6	68,6	144,0	87,5	55,0
Эскидан суғориладиган	193,7	131,8	139,8	106,0	120,0	42,2	120,2	162,9	171,4	186,0	176,5	202,7	160,9
Жами	476,5	233,6	226,6	276,5	458,4	107,0	234,9	308,3	270,8	266,6	336,1	297,2	221,1
Эрозияланиш													
Эрозияланмаган													
Кучсиз эрозияланган	7,9	14,3		26,1	53,0	7,2	38,7	40,4	34,3	3,6	45,9	24,1	1,9
Ўртача эрозияланган	0,1	18,1		7,5	15,9	1,4	27,9	51,0	12,6		56,3	9,0	
Кучли эрозияланган		5,8		2,6	6,0	0,8	9,0	7,9	4,9		26,2	3,6	
Шўрланиш													
Шўрланмаган	124,2	258,2	38,0	60,2	284,5	22,3	257,6	374,8	226,2	8,4	386,2	221,1	0,0
Кучсиз шўрланган	153,8	2,5	170,2	157,8	175,9	96,4	17,5	4,5	69,5	222,4	10,2	111,9	152,1
Ўртача шўрланган	189,4	5,1	60,0	77,0	43,6	12,1	6,6	0,3	29,0	50,2	1,4	31,2	81,0
Кучли	45,4	0,0	6,9	5,5	11,4	1,0	0,8	0,0	1,0	5,5	0,6	3,1	32,3

Тупрок турлари	ҚҚР	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навой	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм
шўрланган													
Жами	512,8	265,8	275,1	300,5	515,4	131,8	282,5	379,6	325,7	286,5	398,4	367,3	265,4
Механик таркиби													
Лойли	16,9	2,5	1,1	1,2	13,7	1,7	2,4	2,4	7,5	2,1	9,9	1,8	0,7
Оғир қумоқ	101,0	55,5	39,8	19,3	86,1	16,5	43,7	86,6	59,0	21,4	154,4	33,0	27,5
Ўрта қумоқ	165,2	108,6	98,2	134,3	172,9	46,2	102,0	173,9	110,5	143,4	141,4	117,3	82,6
Енгил қумоқ	128,6	43,9	58,5	88,3	119,6	30,0	62,0	42,5	59,9	83,6	13,5	90,1	54,5
Қумлоқ	24,5	16,1	22,1	22,0	60,1	4,7	17,9	1,1	24,2	16,2	5,2	43,5	36,9
Қумли	8,6	6,3	9,4	5,8	7,7	3,1	7,1	0,0	10,0	0,6	0,6	11,9	18,9
Жами	444,7	232,9	229,1	271,1	460,1	102,2	235,0	306,4	271,1	267,4	325,0	297,6	221,0
Тошлоқлиги													
Скелетсиз													
Кучсиз скелетли	0,0	18,9	6,5	8,1	3,7	10,3	37,7	12,4	27,0	1,2	16,1	17,4	0,6
Ўртача скелетли	0,0	14,3	4,7	1,3	1,3	3,9	26,7	9,1	11,2	1,5	16,6	34,7	0,3
Кучли скелетли	0,0	2,9	2,0	0,1	0,1	0,8	7,4	1,8	2,3	0,6	6,7	18,8	0,0
Жами	0,0	36,0	13,3	9,5	5,2	15,0	71,7	23,2	40,5	3,2	39,5	70,9	0,9

11-илова

Қишлоқ хўжалиги экинларига бериладиган минерал ўғитларнинг илмий асосланган ўртача меъёрлари

Экинлар	Минерал ўғитлар (кг/га, соф модда)		
	Азотли	Фосфорли	Калийли
Вўза	215-240	150-165	100-120
<i>шу жумладан,</i>			
Ингичка толали	230-250	160-175	110-125
Бошоқли дон экинлари:			
суғориладиган	180-230	125-160	55-70

лалми	50-60	40-50	
Дон учун экилган маккажўхори	225-250	155-175	110-125
Шоли	245-275	170-190	110-140
Каноп	160-180	130-140	80-90
Тамаки	120-150	80-100	40-45
Картошка	120-150	85-100	60-75
Сабзавот	145-200	100-110	70-75
Полиз	50-75	100-110	45-50
Озукабоп илдизмевали ўсимликлар	220	90	60
Силос учун экилган маккажўхори	200	90	60
Бедазорлар	100	90-100	50-60
Мева берувчи боғлар	120-130	85-90	65,0
Мева берувчи тоқзорлар	135-140	90-95	70,0
Тутзорлар	100	60	40

12-илова

Минерал ўғитлар йиллик меъёрларининг муддатлар бўйича тақсимланиши (йиллик меъёрга нисбатан фоиз ҳисобида)

Экинлар	Ўғит турлари	Ўғитлаш муддатлари					
		шудгор-лашда	экиш олдидан	экиш билан бир пайтда	озиқлантириш		
					I	II	III
Ғўза	N	-	25	10	20-25	35-40	30
	P	60-70	-	15-20	-	-	30-40
	K	50	-	-	-	50	-
Каноп	N	-	25	-	35	40	-
	P	50	-	-	-	50	-
	K	50	-	-	-	50	-
Тамаки	N	-	-	-	35	35	30
	P	50	-	-	-	25	25
	K	50	-	-	25	25	-
Бошоқли дон экинлари	N	-	-	15	25	40	20
	P	100	-	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Маккажўхори ва жўхори	N	-	30	-	35	35	-
	P	50	-	-	-	50	-
	K	50	-	-	50	-	-

Экинлар	Ўғит турлари	Ўғитлаш муддатлари					
		шудгор- лашда	экиш олдидан	экиш билан бир пайтда	озиқлантириш		
					I	II	III
Шоли	N	-	30	-	40	30	-
	P	-	70	-	-	30	-
	K	-	50	-	-	50	-
Силосга экилган маккажўхори ва жўхори	N	-	30	-	35	35	-
	P	50	15	-	-	35	-
	K	50	-	-	50	-	-
Бир йиллик ўтлар	N	-	-	-	100	-	-
	P	100	-	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Бошоқли дон билан экилган бедазорлар	N	50	-	50	-	-	-
	P	80	-	20	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Янги бедазорлар	N	-	-	-	-	-	-
	P	80	-	20	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Кўп йиллик бедазорлар	N	-	-	-	100	-	-
	P	-	-	-	100	-	-
	K	-	-	-	100	-	-
Озуқабоп илдизмевали ўсимликлар	N	-	-	-	50	50	-
	P	75	-	-	25	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Сабзавот	N	-	30	-	35	35	-
	P	75	-	25	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Помидор	N	-	15-20	-	45-40	40	-
	P	70-75	-	-	25-30	-	-
	K	50	-	-	25	25	-
Эрта ва кечки карамлар	N	-	15-20	-	40-45	40	-
	P	70-75	-	-	-	-	-
	K	50	-	-	25	25	-
Сабзи	N	-	-	-	50	50	-
	P	70-75	25-30	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Пиёз	N	-	-	-	50	50	-
	P	70-75	25-30	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-

Экинлар	Ўғит турлари	Ўғитлаш муддатлари					
		шудгор- лашда	экиш олдидан	экиш билан бир пайтда	озиқлантириш		
					I	II	III
Бодринг	N	-	15-20	-	50	50	-
	P	70-75	25-30	-	-	-	-
	K	50	-	-	-	-	-
Полиз экинлари	N	-	-	50	-	50	-
	P	75	-	25	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Картошка	N	-	-	20	30	50	-
	P	75	-	25	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Мева берувчи боғлар	N	-	-	-	50	50	-
	P	100	-	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Мева берувчи токзорлар	N	50	-	-	25	25	-
	P	50	-	-	25	25	-
	K	50	-	-	25	25	-
Тутзорлар	N	-	-	-	-	-	-
	P	100	-	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-
Мевага кирмаган боғлар ва токзорлар	N	-	-	-	50	50	-
	P	100	-	-	-	-	-
	K	100	-	-	-	-	-

Файзуллаева Турсуной Рахматуллаевна

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БИЗНЕС-РЕЖА ТУЗИШ ВА ЮРИТИШ
БЎЙИЧА РИСОЛА**

Муҳаррир

Вахабова М.М.

Компьютерда саҳифаловчи

Сабурова З..Х

Босишга рухсат этилди 2017 йил 2.03. Қозоғ бичими 60x80 1/16.

Шартли босма табоғи 3,4 б.т. Адади 20 дон.

№2____ - сонли буюртма.